

# ОНАЛАРИ УЙҒОҚ ВАТАН МУДОМ МУЗАФФАР

Кўксарой қароргоҳида 6 март куни Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этди



Янги Ўзбекистон аёллари — куч, меҳр ва илҳом тимсоли. Ушбу ўхшатишларни бир нуқтага жамланган, баҳор қиёфаси пайдо бўлади. Зеро, баҳор янгиланган шиддатли кучдир. У борлиққа, бутун табиатга ҳаёт шавқини беради. Бу фаслда кўёш нуридай меҳр тафтидан инсон қалби чарогон бўлади. Турфа чечаклар, яшил кенгликлар ҳаётсеварлик фанидан дарс ўтади, илҳом бағишлайди. Юртимиздаги хотин-қизлар ҳам ана шу баҳорий шижоат каби янги Ўзбекистонни бунёд эттишда фаол иштирок этмоқда.

Кўксаройда бўлиб ўтган тантанали тадбир аввалида Президентимиз бутун Ўзбекистон аёл-қизларини 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий муборакбод этди.

**“Инсон ҳаётини, жамият тараққиётини хотин-қизларсиз, уларнинг эзгу фазилятларисиз тасаввур этиб бўлмайди.**

**Биз сизларнинг тимсолингизда Учинчи Ренессанс бунёдкори бўлиб майдонга чиқаётган 22 миллионлик ёш авлодни оналик меҳри билан**

**тарбиялаб, вояга етказган буюк бир кучни кўраимиз.**

**Сизлар тадбиркор, олим, муаллим, шифокор, муҳандис, давлат ва жамоат арбоби, бир сўз билан хонадонларимиз фариштаси, оила ва жамият таянчи, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз”,** деди давлатимиз раҳбари.

Албатта, ўтган 10 йил давомидаги ислохотлар сабаб жамиятимизда хотин-қизлар ҳақи равишда ўз сўзи ва ўрнига эга бўлиб бормоқда. Хусусан, ўтган йилларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини

таъминлаш, муаммоларини ҳал қилиш бўйича мутлақо янги тизим яратилди. Улар ўз истеъдодини тўла намойён этиб, орзу-интилишларига эришиши учун кенг йўл очилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадида 23,5 триллион сўмлик кредит йўналтирилган. Натижада 425 мингдан ортиқ хотин-қиз ҳаётида катта ўзгаришларга эришилди.

Аёл ишлаши, эмин-эркин ҳаракат қилиши учун иқтисодий имтиёзнинг ўзи

етарли эмас. Шу боис, мамлакатимизда нозик хилқат эгаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириб, гендер тенгликни таъминлаш борасида улкан ислохотлар амалга оширилди.

Шу ўринда бир ҳаётини мисол келтирсак. Катта шаҳарлардаги боғчаларда ҳам навбат катта эди. Кўпгина ота-оналар боласини боғчага жойлаштира олмади қийналгани ҳам айна ҳақиқат.

Янги Ўзбекистонда мактабгача таълим тизими тубдан ислоҳ қилинди. Соҳага

хусусий сектор кириб келиб, аҳолига кенг имтиёзлар тақдим этилди. Натижада бутун энг олис қишлоқ ва овулларда ҳам мактабгача таълим муассасалари қурилди. Мобил боғчалар ишга туширилди. Ана шу ўзгаришнинг ўзиёқ аёлларнинг уй-рўзгор ва бола тарбиясидан ортиб ишлаши, ўқиб-ўрганишига замин ҳозирлади. Таъбир жоиз бўлса, улар таълим олиши, ишлаши, жамиятнинг фаол аъзоси бўлиши учун имтиёз ва имкониятлар пакети яратилди.

➔ Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, муҳтарам она-хонлар, қадрили опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Сизларни, бутун Ўзбекистон аёлларини 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Инсон ҳаётини, жамият тараққиётини хотин-қизларсиз, уларнинг эзгу фазилятларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Биз сизларнинг тимсолингизда Учинчи Ренессанс бунёдкори бўлиб майдонга чиқаётган 22 миллионлик ёш авлодни оналик меҳри билан тарбиялаб, вояга етказган буюк бир кучни кўраимиз.

Сизлар тадбиркор, олим, муаллим, шифокор, муҳандис, давлат ва жамоат арбоби, бир сўз билан хонадонларимиз фариштаси, оила ва жамият таянчи, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Азиз опа-сингиллар!

Биз юртимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатини таъминлаш, муаммоларини ҳал қилиш бўйича мутлақо янги тизим яратдик. Барча қонун, фармон ва қарорларни қабул қилишда гендер масаласи бўйича ҳуқуқий механизмлар жорий этилди.

Энди хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига таъсир баҳоланмай туриб бирор қонун қабул қилинмайди.

Яратилган кенг имконият ва шароитлар ҳисобига 230 мингга яқин тадбиркор аёллар синфи шаклланди, миришкор фермер аёлларимиз 12 минг нафарга етди, илм-фан ривожига улкан ҳисса қўшаётган олималаримиз 6 минг нафардан ошди.

Ўтган йили дунё ареналарида шижоатли қизларимиз 167 та олтин, 193 та кумуш, 243 та бронза медални қўлга киритгани таҳсинга сазовордир.

Хотин-қизларимиз ҳаётидаги ана шундай катта ўзгаришлар дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Парламентлари ортидаги рейтингда “Парламентдаги аёллар” рейтингининг 92 поғона қорилиб, 36-ўринини эгаллади; “Гендер тенглик ва бошқарув” индексида 103-ўриндан 52-ўринга кўтарилди; Жаҳон банкнинг “Аёллар, бизнес ва қонун” ҳисоботида эса ўз позициясини 43 поғонага яқшилаб, 48-ўринга чиқди.

Фурсатдан фойдаланиб, турли соҳалардаги меҳнати, истеъдоди ва ақл-заковати билан Янги Ўзбекистонни барпо этишга муносиб ҳисса қўшиб келаятган аёлларимизга, халқаро майдонларда Ватанимизни дунёга тараннум этаётган қизларимизга, уларнинг ота-оналари, устоз ва мураббийларига самимий миннатдорлик билдираман.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари! Аёлларни ишли ва даромадли қилиш масаласи ҳақида эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Ўтган йили хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва уларни тадбиркорликка жалб этиш мақсадида 23,5 триллион сўм кредит йўналтирилди. Бунинг ҳисобидан 425 мингдан ортиқ опа-сингилларимиз тадбиркорликка жалб қилинди.

Мисол учун, тўқимачилик соҳасида 300 нафар аёлларни банд қилган янги ариқчилик Наргиза Бекмуратова ўтган йили иккинчи фабрикасини очиб, яна 100 та иш ўрни яратди. Ушбу ишбилармон қизимиз 2025 йилда Анқара шаҳрида ўтказилган халқаро танловда “Хотин-қизлар учун энг кўп иш ўрни яратган тадбиркор аёл” номинацияси ғолиби бўлди.

Мен бундай сергайрат қизларимизни Янги Ўзбекистон бунёдкорлари деб

биламан. Уларни ҳар қанча қўллаб-қувватлашга тайёрман. Шу боис, бу йил 166 минг нафар хотин-қизлар замонвий касб ва тадбиркорликка, яна 100 минг нафари IT соҳасига ўқитилди.

Шунингдек, опа-сингилларимизга ўз уйида тадбиркорлик қилиши учун “Даромадли аёл” дастурини бошлаймиз. Бу орқали лидер тадбиркорлар кўмағида касаначилик, хунармандчилик, паррандачилик, асарларчилик ва томорқачилик йўналишларида 50 минг нафар аёлнинг бандлиги таъминланади.

Бундан ташқари, “Хамроҳ” дастури доирасида хотин-қизларнинг 3 мингта лойиҳасига жами 1 триллион сўм ажратилди.

Умуман, жорий йилда 1,5 миллион нафар аёлни даромадли қилиш, шундан 400 минг нафарини бизнесга жалб этиш бўйича катта маъра олганмиз. Ушбу мақсадлар учун 25 триллион сўмдан зиёд ресурслар йўналтирилди. Бош вазир ўринбосарлари Ж.Кўчқоров, З.Маҳкамова, Камбагалликни қисқарттириш ва бандлик вазири Б.Зоҳидов, Марказий банк раиси Т.Ишметов, вилоят ҳокимлари бу ишларга масул бўлади.

Қадрили юртдошлар! Бутун олийгоҳда ўқиётган қизларимиз сонини 904 мингдан ошди, жами талабаларнинг 54 фоизини ташкил этмоқда.

Ўтган йили 60 нафар қизимиз дунёдаги энг нуфузли олийгоҳларга ўқишга киргани албатта барчамизни қувонтиради.

Стажёр-тадқиқотчилар ва докторантурада таҳсил олаётганларнинг 8,5 минг нафари, яъни 61 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётгани ҳам эътиборлидир.

➔ Давоми 2-бетда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### 2026 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар туфайли инсон қадрли, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, жамиятда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини, ижтимоий адолат таъминлашнинг мустаҳкамлаш йўлида улкан қадимлар ташланмоқда. Буларнинг барчаси қадимий тарих ва анъаналарга эга бўлган шарқона янги йил байрами — Наврўзи оламнинг инсонпарварлик моҳияти, унинг бағрикенглик, саховат ва меҳр-оқибат каби азалий қадриятлари аҳамиятини янада юксалтирмоқда.

Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган том маънодаги тарихий ўзгаришларга мос ҳолда, маъномазмунли тобора чуқурлашиб бораётган Наврўз айёмини барча шаҳар ва қишлоқларимизда, бутун юртимизда умумхалқ сайли сифатида, юксак ташкилий савияда ва кўтаринки руҳда нишонлаш мақсадида **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. 2026 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича **ташкилий қўмита** (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ташкилий қўмита (А.Арипов) **бир ҳафта мuddатда:**

а) Республика Маънавият ва маърифат маркази, Маданият вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва “Нуроний” жағфармасининг таклифига кўра Наврўз умумхалқ байрамининг гоъвий мазмунини кучайтиришга оид концептни (кейинги ўринларда — Концепт) тасдиқласин;

б) Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда Наврўз умумхалқ байрамини муносиб нишонлаш бўйича **“Наврўзни улуглаш — инсонни улуглашди!”** деган эзгу гоъийи ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот тадбирлари дастурини тасдиқлаш ва унинг амалга оширилишини таъминласин.

3. Жойларда Наврўз умумхалқ байрамга бағишланган барча тадбирларни Концептда баён этиладиган асосий йўналиш ва тавсияларга мос ҳолда юксак даражада ташкил этиш, уларда юртдошларимизнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

а) байрам тадбирларини борлиқнинг уйғониши, инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик, она заминга меҳр ва эътиборни ифода этадиган, юртдошларимизнинг тинч ва осуда ҳаётини қадрлаб, сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиб, шукуроналик туйғуси билан яшашига чорлайдиган таъсирчан мазмун ва шаклда ўтказиш;

б) мамлакатимизда амалга оширилаётган туб демократик ислохотлар, халқимизнинг кундалик ҳаёти, онги ва дунёқарашида юз бераётган ижобий ўзгаришлар, ўзаро бирлик ва ҳамжиҳатлик фазилятлари Наврўз кунларида аниқса яққол намойён бўлишини тарғиб этиш;

в) бу йилги Наврўз муборак Рамазон ҳайити байрами билан ҳамоҳанг тарзда нишонланиши унинг инсонпарварлик тамойилларини янада кучайтиришини инобатга

олиб, кекса авлод вакилларини, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат fronti фахрийларини ҳар томонлама эъзозлаш, “Меҳрибонлик”, “Саховат” ва “Мурувват” уйларида яшаётган шахслар, ижтимоий ҳимоя дафтарларига киритилган ва кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, улар учун байрам дастурхонларини ташкил этиш ҳамда турли хайрия тадбирларини маҳалла фаоллари, ёшлар ва хотин-қизлар вакиллари иштирокида уюшқоқлик билан ўтказиш;

г) “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш, байрам арафасида барча ҳудудларда, кўча ва майдонлар, маҳалла, туман ва шаҳарларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларини ўтказиш, **“Мен ҳам қўчат экман”** акцияларини, умумхалқ ҳаётини ташкил этиш;

д) жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш мақсадида юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва эллар вакилларининг миллий урф-одатлари, анъана ва қадриятларини кенг намойиш қилиш;

ж) байрам тадбирлари давомида хунармандчилик кўргазмалари, миллий спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш, китоб кўргазмалари, арзонлаштирилган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркалари, кўча савдо дўконларини ташкил этиш, кўклам таомларини тайёрлаш ҳамда бу борада кўргазмили савдо ва таълимларни уюштириш;

➔ Давоми 2-бетда

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Бугунги анжуманимизда қатнашаётган қизларимиз — Кегейли туманидан Индира Сатниязова, бухоролик Вазира Файзуллаева, навоийлик Машхура Қудратованинг халқаро фан олимпиадаларида эришган ютуқларини ҳамда бир қатор халқаро стартап танловлари ғолиби бўлган бувайдалик Дилафруз Жўрабоева нуфузли “Microsoft” компаниясининг Ўзбекистондаги элчиси сифатида эътироф этилганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Янги ўқув йилидан бошлаб эҳтиёжманд оилалардаги аёлларимиз учун давлат гранти квотасини 2 қарра ошириб, 4 мингтага етказамиз.

ТОП-300 таликдаги олийгоҳлар билан қўшма таълим асосида магистратура босқичида таълим олаётган талаба қизларнинг контракт пуллари ҳам давлат томонидан тўлаб берилди.

Энди ҳар йили хотин-қизларнинг инновацион гоёларини қўллаб-қувватлаш учун камида 10 та йўналиш бўйича стартап танловлари ўтказилади. Бунда ҳар бир йўналиш ғолибига Инновация жамғармасидан 500 миллион сўмгача грант берилди. Мактабларнинг 11-синфини битириб, давлат техникумларига кирган қизларни касбга ўқитиш тўлиқ давлат гранти асосида бўлади.

Ўйлайманки, бу ташаббуслар хотин-қизларимиз учун янги имкониятлар эшигини очиб беради.

Азиз дўстлар! Аёллар ва болаларга нисбатан таълим ва зўравонликка қарши мурокасиз муҳит яратиш — биз учун стратегик вазифа. Шу ҳафтада яна бир муҳим Фармонни

имзоладим. Энди хотин-қизлар ва болаларга нисбатан ҳар қандай зўравонлик ва таълим ҳолатларига қарши қатъий тизим асосида кураш олиб борамиз.

Яна бир муҳим масалага тўхталмоқчиман. Бугунги кунда жазони ижро этиш муассасаларида 2589 нафар аёл жазо муддатини ўтамоқда.

Турли сабабларга қўра, билиб-билмай жиноятга қўл урган ушбу аёллар ҳам шу юртининг фуқаролари. Уларни ижтимоий ҳаётга қайтариш, жамиятнинг тўлақонли аъзосига айлантириш тўғрисида ҳам жиддий ўйлашимиз керак.

Жазони ўтаётган аёлларнинг 1239 нафари ўрта маълумотли, на касби, на хунари бор. Уларнинг 443 нафари олий таълим муассасаларида ўқиш истагини билдирган. Шу боис, бундай хотин-қизлар билан манзилли ишлаш бўйича “Янги ҳаёт” дастурини бошлаймиз.

Ички ишлар вазирлиги Касбий таълим агентлиги ва Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан жазони ўтаётган аёлларни 3-6 ойлик касб дастурлари бўйича ўқитиб, сертификат беради. Шунингдек, маҳкумаларга ўша ернинг ўзига имтиҳон топшириб, олийгоҳларга кириш ва масофавий ўқиш имкониятини яратиб берамиз.

Контракт бўйича ўқишга қабул қилинганларга жазони ўтаб, ишга жойлашганидан кейин қайтариш шарти билан фойсиз ссуда ажратилади.

Муҳтарам онахонлар, қадрли опа-сингиллар!

Бугун Янги Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига дадил кириб бормоқда. Биз ўз олдимизга, аввало, инсон бахти, инсон қадрини унчан хизмат қиладиган улкан мақсадлар қўйганмиз. Чунки инсон бахти — оиладан бошланади,

оила эса аёл билан мустаҳкам. Келажак авлодлар ана шу муқаддас маконда камолга етади. Ҳеч шубҳасиз, бу борада қизларимизнинг маънавий тарбияси ҳал қилувчи ўрин тутди.

Мехр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас фазилатлар қизларимиз қалбига бувижонларнинг насихат ва ўғитлари билан киради. Бундай оилادا тарбия олган қизларимиз юриш-туриши, одоб-ахлоқи ва ҳаётга муносабати билан тенгдошларига намуна бўлиб келган. Бугунги шароитда ана шу тарбия мактабига эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб турибди.

Шу ўринда мен ўта оғир синов дамларида ҳам қадида букилмаган, бутун умрини оиласига, фарзандига бағишлаган барча онахонларимизга мурожаат қилмоқчиман.

Биз 2026 йилни “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”, деб эълон қилганимиз бежиз эмас. Дунёдаги вазият қандай таҳликали бўлиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз.

Бундай мураккаб даврда юртимиздаги тинчлик ва осойишталик Аллоҳ таоло берган улуг нёъмат эканини янада чуқур ҳис этмоқдамиз. Уни асраш эса ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Мана шундай шароитда дуогуўй бувижонларимиз, мўътабар онахонларимиз оилаларда бу нёъматнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш ва фарзандлар, набираларга шукроналик туйғусини синдиришда намуна бўладилар деб ишонаман. Ҳурматли анжуман иштирокчилари! Инсон учун ўз меҳнатининг маҳсулини кўриш, эътироф ва эътиборга сазовор бўлиш катта бахт.

Ушбу кутлуғ байрам арафасида юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб

келётган аёлларимиздан бир гуруҳини давлатимизнинг юксак унвон, ордени ва медаллари билан тақдирлаш бўйича Фармонни имзоладим. Шунингдек, анъанага қўра, ўқиш ва ижодда, илм-фан, спорт ва жамоат ишларида фаол бўлиб келадиган қизларимиздан яна 28 нафари Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Бутун халқимиз номидан мукофот соҳибларини яна бир бор табриклаймэн. Муҳтарам опа-сингиллар!

Сўнги йилларда сиз, аязлар билан, халқимиз билан бирга илгари тарихимизда бўлмаган буюк ишларни амалга оширдик.

Машаққатли, ҳалол меҳнатимиз билан бутун дунёнинг эътирофи ва ҳурматиға сазовор бўлмоқдамиз. Энг муҳими, ҳар бир соҳа ва тармоқда Янги Ўзбекистон мактаби шаклланди.

Биз учун бугунги ўта оғир ва мураккаб замонда олдимизга қўйган улкан марраларни эгаллашда янада бирлашиб, ҳамжиҳат бўлиб меҳнат қилиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим вазифадир.

Янги Ўзбекистонни аёллари ҳаётдан рози бўлиб, бахтли-саодатли яшайдиган мамлакатга айлантириш — менинг энг катта ниятим.

Ишончим комил, сиздек фидойи, шижоатли, меҳнаткаш аёлларимиз, бутун халқимиз билан бирга эзгу мақсадларимизга, албатта, эришамиз!

Сўзимнинг якунида бутун Ўзбекистон хотин-қизларини кириб келадиган нафосат айёми, гўзаллик байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриклаймэн.

Барчангизга сихат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-омонлик, оилавий бахт-саодат ёр бўлишини тилаймэн. Байрамингиз муборак бўлсин!

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ 2026 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

3) барча шаҳар ва қишлоқларда ўтказиладиган байрам тантаналарида, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамининг тарихи, ҳар бир ҳудудда уни нишонлаш билан боғлиқ удум ва анъаналарни кенг ёритиш;

и) Тошкент шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” мажмуасида алоҳида дастур асосида халқ сайилларини ташкил этиш.

4. Маданият вазирлиги (О.Назарбеков) Республика Маънавият ва маърифат маркази (О.Хасанов), Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси (С.Саидов) билан биргаликда бир ҳафта мўддатда Концептга мувофиқ Тошкент шаҳрида Наврўз байрамига бағишлаб ўтказиладиган театрлаштирилган асосий концерт томошасининг дастурини ишлаб чиқсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

а) бир ҳафта мўддатда Наврўз умумхалқ сайилларини ўтказиш бўйича қуйидагиларни назарда тутадиган ҳудудий чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

и) умумхалқ сайиллари уюштириладиган асосий майдонлар, кўча ва хиёбонларни байрамога безатиш;

ii) сайил ва томошаларни маҳаллий тажрибали сценаристлар ва режиссёрлар, композитор ва бастакорлар, балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакиллари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Тошкент шаҳри, 2026 йил 6 март

билан биргаликда юқори бадиний савияда тайёрлаш чораларини кўриш;

iii) байрам тадбирлари доирасида ҳар бир ҳудудга хос бўлган халқ ўйинлари, томошалар, кўргазмалар ўтказиб, баҳор таомлари сотиладиган очиқ ошхоналар ташкил қилиш;

б) байрам дастурларини ва оммавий томошаларни тайёрлашда, кўчалар, майдон ва хиёбонларни безатишда мақолали мутахассислардан иборат ижодий гуруҳларни кенг жалб этсин;

в) барча тадбирлар жамоат хавфсизлиги талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда ўтказилишини таъминласин.

6. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирларининг харажатлари:


а) Тошкент шаҳрида — республика бюджетини ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетини маблағлари ҳисобидан тенг улушларда;

б) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда — тегишли маҳаллий бюджетини ҳамда ҳокимлик хайриялари ҳисобидан қопланади.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга ошириладиган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ш. МИРЗИЁЕВ




Бошланиши 1-бетда

Албатта, бундай янгиланишлар бесамар кетгани йўқ. Хусусан, 230 мингта яқин аёлдан иборат тадбиркорлар синфи шаклланди. Миришкор фермер аёл-қизлар сони 12 мингта етди. Муҳим, илм-фан ривожига улкан ҳисса қўшаётган олималаримиз 6000 дан ошди. Хотин-қизларнинг спорт жаҳҳасидаги натижалари ҳам қувонарли. Жумладан, улар ўтган йили дунё ареналарида 167 олтин, 193 кумуш, 243 бронза медални қўлга киритган.

Хотин-қизлар ҳаётидаги бундай улкан янгиланишлар халқаро майдонда ҳам эътироф этилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Парламентлараро Иттифоқнинг “Парламентдаги аёллар” рейтингда 92 поғона юқорилаб, 36-ўринни эгаллади, “Гендер тенглик ва бошқарув” индексида 103-ўриндан 52-ўринга кўтарилди, Жаҳон банкининг “Аёллар, бизнес ва қонун” ҳисоботида эса ўз позициясини 43 поғона яхшилаб, 48-ўринга чиқди. Шу рақамларнинг ўзиёқ юртимиз хотин-қизлари жамиятнинг фаол аъзоси сифатида ватанга наф келтириш руҳида яшаётганини кўрсатади.

Қалдирғоч баҳор даракчиси. У келган, қаттиқ совақ бўлмади. Шу кунларда ёғаётган қалдирғочнинг келишидан дарак. Ҳар йили март ойининг дастлабки ўн кунлигида ҳаво шундай ўзгаради. Буни донишманд халқимиз “қалдирғоч шамоли” деб атайди.

Баҳорнинг илк кунларида хотин-қизлар байрамини ҳам нишонлаймиз. Мўътабар оналаримиз, меҳрибон опа-сингилларимиз, жондай азиз ёримиз ва қизларимиз бизга доим баҳорий кайфият беради. Улар инсонга энг яқин дўст маконини олган қалдирғоч каби қалбимизга қувонч олиб киради. Табиатнинг митти мўъжизаси бўлган бу қушни халқимиз эзулик, яхши кунлар даракчиси деб билади.



Унинг келиши арафасида нишонланган катта тантана ҳам қувончли хабарларга бой бўлди. Хусусан, мамлакатимиз етакчиси бу йил 166 минг хотин-қиз замонавий касб ва тадбиркорликка, яна 100 минг нафари АТ соҳаси бўйича ўқитилишини маълум қилди. Шунингдек, опа-сингилларимизнинг ўз йида тадбиркорлик қилиши учун “Даромадли аёл” дастурига старт берилди деганини ҳам қувонч билан эътибор қилишимиз керак. Бу орқали лидер тадбиркорлар кўмагида касаначилик, хунарамандчилик, паррандачилик, асаларчилик ва томорқачилик йўналишларида 50 минг аёлнинг бандлиги таъминланади.



Қолаверса, “Ҳамроҳ” дастури доирасида хотин-қизлар тақдим этган 3000 та лойиҳага 1 триллион сўм ажратилади. Умуман, жорий йилда 1,5 миллион аёл-қизни даромадли қилишдек катта марара олинган. Шулардан 400 мингта бизнесга жалб этилади.

қолган ҳаётини ҳақиқатларни яна ўзанига қайтарди. Бугун Президентимиз яратиб бераётган имкониятлар тўғрисида Алломиш ва Қалдирғочдай ўғил-қизларни тарбиялаётган аёллар сафи кенгайиб бормоқда. Шу ўринда яна бир ҳаётини ҳақиқатни айтиш керак. Миллий ўзликка қайтаётган халқимизнинг янги тараққиёт йўлида бир зум ҳам тўхтаб қолишга ҳаққи йўқ. Шу боис, олдимизга янада улкан марралар қўйилди.



Жумладан, янги ўқув йилидан бошлаб эҳтиёжманд оилалардаги аёллар учун давлат гранти квотаси 2 қарра оширилиб, 4000 тага етказиладиган бўлди. Бундан ташқари, дунёнинг энг нуфузли 300 та олийгоҳи билан қўшма таълим асосида магистратура босқичида таълим олаётган талаба қизларнинг контракт пулини ҳам давлат тўлаб беради.

Энди ҳар йили хотин-қизларнинг инновацион гоёларини қўллаб-қувватлаш учун камида 10 та йўналиш бўйича стартаплар танлови ўтказилади. Бунда ҳар бир йўналиш ғолибига Инновация жамғармасидан 500 миллион сўмгача грант ажратилади. Яна бир муҳим янгиллик. Мактабларнинг 11-синфини битириб, давлат техникумларига ўқишга кирган қизларни касбга

ўқитиш тўлиқ давлат гранти асосида амалга оширилади. Бу мактабни тамомлаб, таълимни олийгоҳларда давом эттира олмаган ёшлар учун катта имкониятдир.

Халқимизнинг болажон деб таърифланишида чуқур ҳаётини ҳақиқат бор. Чунки кўп миллатли халқимиз боланинг беғонаси йўқ деган қараш билан яшайди. Аммо жамиятлар доим қонунлар билан тартибга солиш турилиши зарур. Шунда



Ўтаётган аёллар жамиятга интеграция қилинади. Хусусан, маҳкумалар 3-6 ойлик касбга ўқитиш дастурлари орқали хунарга эгаллайди. Ҳатто олий таълим муассасаларига ўқишга кириш ва масофавий таълим олиш имкониятига эга бўлади.

“Биз ўз олдимизга, аввало, инсон бахти, инсон қадрини унчан хизмат қиладиган улкан мақсадлар қўйганмиз. Чунки инсон бахти оиладан бошланади, оила эса аёл билан мустаҳкам. Ҳеч шубҳасиз, бу борада қизларимизнинг маънавий тарбияси ҳал қилувчи ўрин тутди”, деди Президентимиз.

Янги Ўзбекистондаги ислохотлар инсон қадрини улуғлашга қаратилган. Унинг қадрини эса эзгу орзу-ниятлар ижобатига боғлиқ. Бугун мураккаб замонда яшаётганмиз. Бундай пайтда олдимизга қўйилган улкан марраларга эришишда янада бирлашиб, ҳамжиҳат бўлиб меҳнат қилишимиз зарур. 2026 йилнинг Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили деб эълон қилингани ҳам бежиз эмас.

Ҳозирги мураккаб даврда юртимиздаги тинчлик ва осойишталик қанчалик улуг нёъмат эканини янада чуқур ҳис этишимиз. Уни асраш эса ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Айни пайтда барқарор тараққиёт этишимиз ҳамжиҳатликда олган интилишимизга боғлиқ. Бунда, айниқса, дуогуўй бувижонларимиз, мўътабар онахонларимизнинг ўрни беқеёс. Улар бу улуг нёъмат қадрига етиш, уни асраб-авайлаш ва фарзандлар, набираларга шукроналик туйғусини синдиришда намуна бўлишига ишонч билдирилди.

“Янги Ўзбекистонни аёллари ҳаётдан рози бўлиб, бахтли-саодатли яшайдиган мамлакатга айлантириш — менинг энг катта ниятим. Ишончим комил, сиздек фидойи, шижоатли, меҳнаткаш аёлларимиз, бутун халқимиз билан бирга эзгу мақсадларимизга, албатта, эришамиз!”, деди Президентимиз.

Тадбирдаги яна бир қувончли ҳолат: мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ аёлларга давлатимизнинг юксак унвон, ордени ва медаллари, шунингдек, илм-фан, таълим, маданият ва жамоат ишларида фаол 28 иқтидорли қизга Зулфия номидаги давлат мукофоти тантанали топширилди.

Бундан ташқари, “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида концерт дастури тақдим этилди.

Бундай юксак эътироф ва эҳтиромдан ҳақли равишда масрур бўлган мунис онахонларимиз юз-кўзида эртанги кунга ишонч балқийди. Қалдирғочдай саф торган сингилларимиз эса “Оналари уйғоқ Ватанни мағлуб этиб бўлмамай”, дея баралла шешр ўқийди.

Боборовшан ҒОЗИДДИНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

# март — Халқаро хотин-қизлар куни

## ЭЗГУ ИШЛАРГА КАМАРБАСТАМИЗ

Янги Ўзбекистон ижтимоий давлат тамойили асосида барпо этилмоқда. Мамлакатимиздаги ортга қайтмас ҳар бир ислохот марказида инсон манфаатлари тургани ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Айниқса, юртимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бор инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида катта ишлар қилинмоқда.



Умида МУҲИДДИНОВА, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги бошқарма бошлиғи, “Дўстлик” ордени соҳиби

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тузиллиши билан бу борадаги ишлар кейинги босқичга кўтарилди деб бемалол айтиши мумкин. Ушбу тизимда ишлаб, бунга доим гувоҳ бўляпмиз. Ногиронлиги бор инсонларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, моддий ёрдам, имтиёз ва имкониятлар ўз эгаларига манзилли етиб бориши, одамлар янги имкониятлардан баҳраманд бўлиши йўлида хизмат қиляпмиз.

Ижтимоий хизмат ва моддий ёрдамдан тезкор ҳамда шафқатли шаклда фойдаланиш имконини берувчи “ижтимоий карта” жорий этилгани аҳолига янги қулайликларни тақдим этмоқда. Шунингдек, бугун рақамлаштириш тўғрисида ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бор юртоқларимиз хат-ҳужжатларини қўлтиқлаб, дардини дос-тоқ қилиб, турли идоралар эшигига сарғаяётгани йўқ. Турли платформалар орқали уйдан чиқмай туриб, ижтимоий кўмак олиш учун мурожаат йўллайпти ва ёрдамдан “ижтимоий карта”си орқали фойдаланаяпти.

Зарурат бўлса, мутасаддиларнинг ўзи эҳтиёжманларнинг уйига борапти. Бу каби қулайлик ва имкониятлар Ўзбекистонни ижтимоий давлатнинг ёрқин намуналаридан бирига айлантиряпти.

Ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаган тадбиркорларга субсидиялар берилиши, ногирон фарзанди ёки бошқа қариндошини парвариллашганларга иш таъин этилиши, бундай оилалар турли солиқ тўловларида имтиёзга эга бўлиши ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларнинг фаоллиги ортиши, турмуш шароити яхшиланишига

ҳисса қўшмоқда. Бу имкониятлар уларнинг ҳаётига янги руҳ бағишламоқда.

Фаолиятим давомида ногиронлиги бўлган болаларга тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатиш, ижтимоийлашувини таъминлаш, соҳага илгор хорижий тажрибаларни жорий қилиш йўлида иланилган. Жумладан, ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, уларнинг ота-оналари бандлигини таъминлаш борасида ишлаб чиқилган “Қундузги парваришлар гуруҳлари” фаолияти бутун мамлакат бўйича йўлга қўйилган. Бугун мазкур кичик гуруҳларда 4827 болага ижтимоий хизмат кўрсатишмоқда. Шу билан бирга, мазкур соҳага яқна тартибдаги тадбиркорлар ҳам жалб қилиниб, 323 та тадбиркорлик субъекти ушбу эзгу ишга шерик бўлган.

2024 йили Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимида ягона психологик, тиббий-педагогик комиссиялар фаолияти ташкил этилди. Мазкур комиссия шу кунгача тарқоқ фаолият юритар, инсон омилига боғлиқлиги сабабли турли норозиликларга сабаб бўлар эди. Комиссиялар фаолиятини қайта қўриб чиқиш бўйича ташаббусни илгари сурдик. Бунда болаларнинг инклюзив шароитда алоҳида таълим олиш имкониятлари кенгайтирилди. 2024 йили мазкур комиссиялар фаолияти тўлиқ рақамлаштирилди. Натijaда бир йилда қарийб 65 мингта ариза келиб тушиб, комиссиялар 51 мингдан ортиқ болани текширувдан ўтказди. Уғил-қизларнинг 43 мингдан ортиги тегишли муассасаларга йўналтирилди.

Ўтган йилдан бошлаб юртимизда кичик ҳажмли болалар уйлари ташкил этила бошлади. Ҳозир мазкур муассасалар сони 15 та бўлиб, уларда 113 бола тарбияланмоқда. Йил охиригача ушбу турдаги муассасалар сони 43 тага етказилиши белгиланган. Бундан ташқари, оғир даражадаги ногиронлиги бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари ва махсус мактаб-интернатларда 3-18 ёш доирасида 66 та “Ғамхўрлик” гуруҳи тузилиб, уларда 275 бола бирламчи ҳаётини кўнжиклар билан таништирилмоқда. Махсус дастурлар қабул қилиниб, ваколатли тузилмалар фаолияти кенгайтирилди, профилактик ёндашувга эътибор кучайтирилди. Бу жараён ислохотларнинг инсонпарварлик мазмуни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2026 йил 3 март куни қабул қилинган “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”ги фармони мамлакатимиз ҳуқуқий сиёсатини мазмунан янги босқичга олиб чиққан муҳим ҳужжат сифатида намоён бўлмоқда.

Фармон фақат жазо чораларини кучайтириш билан чекланмайдиган. Ҳужжатда профилактика, ижтимоий рағбатлантириш, ҳуқуқий таълим, рақамли назорат механизмлари, психологик реабилитация хизматлари ва жамоатчилик иштирокини кучайтириш каби комплекс ёндашув акс этган. Яъни муаммоларга оқибат эмас, сабаб нуқтан назардан қараш тамойили илгари сурилган.

Эрта никоҳ масаласи оддий ёш меъёри бузилиши эмас. У бир неча ўзаро боғлиқ ижтимоий муаммоларнинг келтириб чиқаради. Яъни таълим жараёнидан узилиш, иқтисодий қарамлик шаклланиши, репродуктив саломатликка ҳавф, маънавий зўравонликка мойилликнинг ошиши шулар жумласидан. Шу боис, фармоннинг биринчи стратегик йўналиши айнан эрта никоҳларнинг олдини олишга қаратилган мантиқийдир. Бу ерда икки асосий принцип уйғунлашган: жавобгарликни мустаҳкамлаш ва онгли, иқтисодий жиҳатдан тайёр никоҳни рағбатлантириш.

2027 йилдан бошлаб ҳар икки тараф 21 ёшга тулиб, биринчи марта никоҳ қураётган ёш оилаларга қўшимча имтиёзлар тақдим этилиши давлат сиёсатининг профилактик-иқтисодий моделини ифода қилади. Бу ёндашув никоҳни фақат расмий рўйхатдан ўтти эмас, балки масъулиятни қарор сифатида қўриш гоёсини илгари сурди.

Айниқса, ижтимоий реестрга киритилган оилалар учун молиявий қўллаб-қувватлаш механизми бир янги баробар ошириш механизми бир неча стратегик вазифани ҳал этади. Жумладан, ёшларни иқтисодий мустақилликка рағбатлантиради, никоҳни ижтимоий барқарорлик билан боғлайди, камбағалликнинг авлоддан авлодга ўттишига тўсик қўяди. Бу ерда давлат жазодан кўра рағбат орқали ижтимоий ҳуқуқни шакллантиришни афзал қўраётганини аниқлаш мумкин.

Никоҳ шартномаси тузганлик учун давлат божидан озод этиш ташаббуси алоҳида аҳамиятга эга. Бу қарор аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга хизмат қилади. Никоҳ шартномаси мулкнинг муносабатларда очиқлигини таъминлайди, ажралиш ҳолатида адолатли тақсимотни кафолатлайди, иқтисодий зўравонлик хавфини камайтиради.

Шу тариқа фармон никоҳ институтини фақат аънавий эмас, ҳуқуқий ва иқтисодий масъулият мезони сифатида қайта талқин этади. Бу эса аёллар ва болалар манфаатларини узоқ муддатли ҳимоя қилишга қаратилган стратегик ёндашувдир. Ҳомилдорлик ёки 3 ёшгача бола парвариши сабабли таълимдан четланган қизлар кўп ҳолларда иқтисодий қарамликка тушади, касбий ривожланиш имкониятидан маҳрум бўлади, ижтимоий фолкликдан узилади.

# ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОКИНИ УЙҒУНЛАШТИРГАН ҲУЖЖАТ



Орзиқул ҚОЗИХОНОВА, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси

Сўнгги йилларда юртимизда гендер тенгликни таъминлаш, оила институтини қўллаб-қувватлаш, болалар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий ва институционал асослар шакллантирилди. Махсус дастурлар қабул қилиниб, ваколатли тузилмалар фаолияти кенгайтирилди, профилактик ёндашувга эътибор кучайтирилди. Бу жараён ислохотларнинг инсонпарварлик мазмуни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2026 йил 3 март куни қабул қилинган “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”ги фармони мамлакатимиз ҳуқуқий сиёсатини мазмунан янги босқичга олиб чиққан муҳим ҳужжат сифатида намоён бўлмоқда.

Фармон фақат жазо чораларини кучайтириш билан чекланмайдиган. Ҳужжатда профилактика, ижтимоий рағбатлантириш, ҳуқуқий таълим, рақамли назорат механизмлари, психологик реабилитация хизматлари ва жамоатчилик иштирокини кучайтириш каби комплекс ёндашув акс этган. Яъни муаммоларга оқибат эмас, сабаб нуқтан назардан қараш тамойили илгари сурилган.

Эрта никоҳ масаласи оддий ёш меъёри бузилиши эмас. У бир неча ўзаро боғлиқ ижтимоий муаммоларнинг келтириб чиқаради. Яъни таълим жараёнидан узилиш, иқтисодий қарамлик шаклланиши, репродуктив саломатликка ҳавф, маънавий зўравонликка мойилликнинг ошиши шулар жумласидан. Шу боис, фармоннинг биринчи стратегик йўналиши айнан эрта никоҳларнинг олдини олишга қаратилган мантиқийдир. Бу ерда икки асосий принцип уйғунлашган: жавобгарликни мустаҳкамлаш ва онгли, иқтисодий жиҳатдан тайёр никоҳни рағбатлантириш.

2027 йилдан бошлаб ҳар икки тараф 21 ёшга тулиб, биринчи марта никоҳ қураётган ёш оилаларга қўшимча имтиёзлар тақдим этилиши давлат сиёсатининг профилактик-иқтисодий моделини ифода қилади. Бу ёндашув никоҳни фақат расмий рўйхатдан ўтти эмас, балки масъулиятни қарор сифатида қўриш гоёсини илгари сурди.

Айниқса, ижтимоий реестрга киритилган оилалар учун молиявий қўллаб-қувватлаш механизми бир янги баробар ошириш механизми бир неча стратегик вазифани ҳал этади. Жумладан, ёшларни иқтисодий мустақилликка рағбатлантиради, никоҳни ижтимоий барқарорлик билан боғлайди, камбағалликнинг авлоддан авлодга ўттишига тўсик қўяди. Бу ерда давлат жазодан кўра рағбат орқали ижтимоий ҳуқуқни шакллантиришни афзал қўраётганини аниқлаш мумкин.

Никоҳ шартномаси тузганлик учун давлат божидан озод этиш ташаббуси алоҳида аҳамиятга эга. Бу қарор аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга хизмат қилади. Никоҳ шартномаси мулкнинг муносабатларда очиқлигини таъминлайди, ажралиш ҳолатида адолатли тақсимотни кафолатлайди, иқтисодий зўравонлик хавфини камайтиради.

Шу тариқа фармон никоҳ институтини фақат аънавий эмас, ҳуқуқий ва иқтисодий масъулият мезони сифатида қайта талқин этади. Бу эса аёллар ва болалар манфаатларини узоқ муддатли ҳимоя қилишга қаратилган стратегик ёндашувдир. Ҳомилдорлик ёки 3 ёшгача бола парвариши сабабли таълимдан четланган қизлар кўп ҳолларда иқтисодий қарамликка тушади, касбий ривожланиш имкониятидан маҳрум бўлади, ижтимоий фолкликдан узилади.

2026/2027 ўқув йилидан бошлаб “иккинчи имконият” механизмининг жорий этиш гендер адолатининг амалдаги ифодасидир.

Масофавий таълимни кенгайтириш онали ва таълимни уйғунлаштириш, ижтимоий изоляцияни камайтириш, меҳнат бозорига қайта интеграция қилади. Алоҳида статистик ҳисоб юритиш эса муаммонинг реал кўламини кўриш ва сиёсатни маълумотларга асосланган ҳолда шакллантиришга ёрдам беради.

Эрта никоҳ ва 16 ёшгача бўлган ҳомилдорлик ҳолатлари кўп ҳолларда ошқор статистикада тўлиқ акс этмайди. Оилавий босим, “обру”дан қўриқиб, аънавий қарашлар ва ижтимоий муҳит таъсири бундай ҳолатларни яширишга олиб келади. Натijaда муаммо очик муҳокама қилинмайди, жабрланувчи эса ҳуқуқий ва психологик ёрдамдан четда қолади.

Шу нуқтан назардан, фармонда бир қатор субъектлар учун хабар бериш мажбурияти белгилаб қўйилгани латентликка қарши институционал жавобдир. Жумладан, маҳалла фуқаролар йиғини, ФХДЭ органлари, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш тизими, диний идоралар томонидан аниқланган ҳолатлар юзасидан ваколатли органларга маълумот етказиш талаби профилактиканинг янги босқичини аниқлатади. Бу механизм муаммони “оилавий масала” доирасида қолдирмасдан, уни ҳуқуқий майдонга олиб чиқишга қаратилган.

Олиб бермаганлик учун маъмурий жавобгарлик жорий этилиши масъулиятни шахсий эмас, институционал даражага кўтаради. Яъни бефарқлик ҳуқуқий оқибатга эга бўлади.

Айни пайтда жаримнинг 15 фоизини ҳолат ҳақида хабар берган шахсни рағбатлантиришга йўналтириш ҳуқуқий механизмининг ижтимоий мотивация билан уйғунлаштириган янги ёндашувдир. Бу фуқароларни жазо қўриқув орқали эмас, фаол позиция билан жамоат ҳавфсизлигига дахлдорлигини қўзғалайди. Мазкур модель жамият ролини қайта



Соҳибжамол ЖУМАЕВА, Марказий банкнинг гендер тенглик масалалари бўйича маслаҳат кенгаши раиси ўринбосари

жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоялашга хизмат қилади. Терговнинг ягона марказида юритилиши масъулиятни аниқ белгилаб, ишларнинг шаффоф ва самарали қўриб чиқишига замин яратлади.

Вояга етмаганларга нисбатан жазо этилган жиноятлар учун жазо чоралари кескинлаштирилиши давлатнинг принципал позициясини ифода этади. Умрбод озоликдан маҳрум қилиш, узоқ муддатли қамоқ жазолари ва жазо шароитларини енгилаштириш имкониятларини чеклаш каби чоралар жазонинг муқаррарлиги тамойилини таъминлашга қаратилган.

Фармонда фемидд, фамилицид, сталлинг, киберзўравонлик ва онлайн груминг каби янги шаклдаги таҳдидлар учун жавобгарликни белгилаш тақлиф этилаётгани ҳуқуқий тизимнинг замонавий ҳаф-хатарларга мослашувини аниқлатади. Бу халқаро стандартларга яқинлашувнинг муҳим босқичи. Чунки бугунги кунда зўравонлик фақат жисмоний муҳитда эмас, рақамли маконда ҳам содир бўлмоқда. Давлат ушбу замонавий таҳдидларни расман эътироф этиб, уларга нисбатан тизимли превентив чоралар ва муқаррар жавобгарлик механизмларини жорий этмоқда. Яъни хавфлар инкор этилмайди, балки ҳуқуқий майдонга олиб чиқилиб, эрта оғохлантириш, мониторинг, ҳимоя ва жазо чоралари орқали комплекс тарзда тартибга солинмоқда.

Ҳимоя ордери берилган аёлларнинг мобил қуримларига “SOS” иловасини ўрнаттиш ташаббуси эса тезкор ёрдам қачирши, қайта зўравонликнинг олдини олиш ва психологик ҳавфсизлик ҳиссини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу ёндашув жабрланувчининг фақат процессуал иштирокчи сифатида эмас, балки ҳимоя тизимининг марказида турган субъект сифатида қўради. Яъни ҳимоя механизми инсон атрофида шаклланади.

2027 йилдан бошлаб махсус тайёрларикдан ўтган терговчи ва судьялар томонидан ишларни қўриб чиқиш тартиби жорий этилиши қайта руҳий жараҳланган хавфини камайтиради, далилларни тўғри ва ноизок баҳолашни таъминлайди ҳамда адолат мезонларини халқаро талабларга яқинлаштиради. Айниқса, аёл терговчи ва судьяларга устуворлик берилиши жабрланувчининг ишончини оширишга, мулоқот жараёнида психологик барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Фармонда медиамасъуллар тайёрлаш, блогер ва инфлюенсерларни жалб этиш, “маҳалла этилиги” билан тарғибот семинарлари ўтказиш каби чора-тадбирлар белгиланган ҳам қароши аҳамиятга эга. Чунки зўравонликка қарши кураш фақат ҳуқуқий механизмлар билан чекланмайди. Бу маданий ва маънавий ўзгариш жараёнидир. Жамият шундай муҳитга айланиши керакки, унда зўравонлик ҳеч қачон оқланмайди, эрта никоҳ аънава эмас, ҳуқуқбузарлик сифатида қабул қилинади, бола ҳуқуқи эса муқаддас қадрият сифатида эътироф этилади. Мазкур фармон профилактика, рағбатлантириш, қатъий жавобгарлик ва жамоатчилик иштирокини уйғунлаштириш процессуал рағбатлантиришга хизмат қилади. У эрта никоҳга қарши тизимли курашни, таълим ва оналикни уйғун ривожлантиришни, жинсий жиноятлар учун муқаррар жазони, рақамли таҳдидларга ҳуқуқий жавобни ва жабрланувчининг марказида қўйган ҳимоя моделини бирлаштиради. Энг муҳими, ушбу ҳужжат давлат позициясини аниқ ифода этади: аёл ва бола ҳуқуқи — муҳокама мавзуси эмас, мутлақ қадрият. Инсон қадри устувор бўлган жамиятда зўравонликка ўрин қолмайди. Мазкур фармон ана шу мақсад сари қўйилган навбатдаги қатъий ва илҳам қадамидир.

# МЕН УЧУН КУТИЛМАГАН ТУҲФА



Зебон МҲМИНОВА, Тошкент шаҳридаги “Nova school” нодавлат таълим муассасаси раҳбари, “Шухрат” медали соҳиби

Авваламда тушунмадим, кейин тақдирланганимдан хабар топдим. Бир неча сония қарам ҳолатга тушиб қолдим, кўзимга ёш келди. Чунки бу мен учун юқори даражадаги ишонч, эътироф белгиси эди. Шундан сўнг бирин-кетин табриклар ёғила кетди, ҳалигача тинмайпти. Барча мен учун қувониб, илқ фикирлар айтганида, устозларимдан тортиб, ҳамкасбларим, шогирдларимгача тинимсиз табриклаганида жуда таъсирландим, гурурдандим. Меҳнатим, фаолиятим билан жамиятда ўз ўрнини топганим, одамларга нафим тегаетганидан қувондим.

Ахир бугун мамлакатимизда таълим соҳасига Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишнинг асосий устуунларидан бири сифатида қаралапти. Илм-фанга катта эътибор берилиб, бў йўналишдаги ютуқларимиз, ёшларимиз эришяётган натижалар халқаро майдонда ҳам тан олинмоқда. Буларнинг барчаси шунга яраша шароит яратиб берилаётганининг маъсули. Таълим йўналишида ҳам хусусий сектор улшунинг ортиши, тадбиркорликнинг ривожланиши сифатида рақобат муҳитини юзага келтирди. Чунки талаб катта, тақлиф ҳам шунга яраша бўлиши керак.

Тадбиркорлигимни 2013 йили болаларни эрта ривожлантириш маркази очилишидан бошлаганман. 2015 йилда ушбу таълим муассасаси асосида икки тили тизимга эга болалар бочаси ташкил этилди. 2017 йилда эса ишимизни кенгайтириб, хусусий мактаб очишга муваффақ бўлдик. Фаолиятим давомида халқаро таълим тизими ва Британия ўқитиш дастурининг элементларини миллий дастурга интеграция қилиш орқали болалар таълимини ривожлантириш, уларга сифатли таълим бериш, чет тилларни самарали ўқитиш, келажак авлодини кучли эрудиция ва юқори эмоционал интеллектуал хислатларга эга, мукамал шахс сифатида камолга етказишни мақсад қилганман.

Ҳозир тадбиркорларни рақобат чўчитмайди. Чунки юртимизда барча ишбилармон

Тадбиркорлар оиласида катта бўлганман. Узоқ йиллардан буён шу соҳада фаолият юритаман. Турли даврларни, катта-кичик қийинчиликларни, ҳар хил тўсиқларни кўрдим. Ишонч билан айта оламанки, Ўзбекистонда ҳеч қачон аёл тадбиркорлар сони ҳозиргидек кўп бўлмаган. Ишбилармонлик хотин-қизлар орасида бунчалик оммалашиб, бутунгидек қўллаб-қувватланмаган. Ҳозир деярли барча соҳада аёл-қизларни учратиб мумкин. Улар тўқимачиликдан тортиб, қурилиш йўналишига кириб бориб, катта лойиҳаларга бошчилик қиляпти.

учин бирдек шароит, имконият яратилган. Имтиёзлардан фойдаланаяпти. Натijaга эришиш учун ҳаракат қилиш кифоя. Муҳими, тадбиркор исталган масалада давлат кўмагига суяна олади. Мени қувонтирадиган жиҳат шуки, юртимизда ниҳоятда қулай ишбилармонлик муҳити яратилган. Бизнес вакиллари бирга яқдил ҳаракат қилиб, миллий брендимизни жаҳон бозорида кенг оммалаштиришга интиломоқда. Ҳақморликда йирик лойиҳаларни амалга оширяпти. “Шухрат” медали билан тақдирланганимни эшитиб, шулар ҳақида ўйладим. Бугунги давр тадбиркорларидан бири эканим, шундай имкониятлар, шароитлар шукрига да меҳнат қилаётганим учун доим шукрона айтаман. Бу шароитлар қуруқ гап ёки кўр-кўрона сая-ҳаракатлар билан бўлиб қолмаган. Унинг ортида Президентимизнинг қатъий сиёсий иродаси, тадбиркорларга берган ишонч, ҳақиқий меҳнат турибди. Ана шу ислохотларнинг меваси эса биз, тадбиркорлар эришяётган натижа, ютуқларда, юртимизнинг иқтисодий ривожини ва фаровонлигига акс этмоқда. Бундай даврнинг қадрига етиб, доим ҳаракатда бўлишимиз керак.

Бугун ўзим мисолимда юртимизда хотин-қизларга, тадбиркор аёлларга берилаётган эътибор, катта ишонч, қўллаб-қувватловни чуқур ҳис қиламан. Эришяётган натижаларим ислохотлар самараси эканини кўраман. Оптимизда ютуқларимиздан биздан-да кўпроқ қувонадиган, бизга нима кераклигини ўзимиздан-да яхшироқ биладиган Президентимиз турганини ҳис қилиш янада куч беради.

Муқофотланганимни эшитган ота-онам жуда қувонди. Мазкур муқофот мен учун масъулият экани, бундан кейин янада кўп меҳнат қилишим, хайрли ишларга бош бўлиб, жамиятга кўпроқ фойда келтиришни зарурлигини ўқитиб, дуо қилишиди. Шунда ўзимда ўн қарра юрғини масъулият, иштиёқни туйдим. Бу мени янги мақсадлар ва катта лойиҳаларга ундайтапти.

**“Evodiya — asalari daraxti” yangi tur b'lib, undan bugungacha mavjud shu turdagi usimliklardan bir necha barobar k'p shifobaxsh asal yig'ib olish mumkin. Odatda ekilladigan lipa daraxtidan ham evodiyadan k'ra un barobar kam asal olinadi.**




## Яшил макон

# ЭНДИ ТОННАЛАБ АСАЛ ОЛИШ МУМКИН

## Юртимизда янги дароах тури давлат рўйхатига киритилди

Эрта баҳордан ерга ниҳол қадаб, турли ўсимлик кўчатларини экиш, дароахларни оқлаш халқимизга хос анъаналардан бири. Азалдан давом этиб келаётган бу ҳаракатлар бугун халқимиз орасида умумийлик тадбирга айланди. Кўклам келиши билан юртимизда анъанавий “Яшил макон” умумийлик лойиҳаси старт олади. Йилда икки маротаба оммавий тарзда ўсимлик ва дароах кўчатлари экилиб, яшил ҳудудлар ва боғлар барпо этилмоқда.

Ўзбекистон амалиётида ҳозирча бунга ўхшаш бошқа дароах тури учрамайди, — дейди Тошкент вилояти Зағирота туманидаги “Ibrohim Rahmat” хусусий корхонаси раҳбари, Соғлиқни сақлаш аълоҳиси, дориршнос Анвар Ибрагимов. — Тўғри, тажрибада сафоро, қашқарбеда, индол, фацелия, каштан каби нектар-шира берадиган ўсимлик ва дароахларни ўстиришга катта эътибор қаратилади.



асалари оилалари сонини кескин ошириш, зарур озуқа базасини яратиш, нектар-шира берадиган ўсимликлар ва дароах турларини экиб ўстириш чораларини кўриб бориш вазифалари белгиланган хорижий янги навларни ўрганиб, ўзимизда синаб кўришимизга туртки берди. Чунки бу масалага тобора кўпроқ эътибор қаратилиб, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам аниқ вазифалар белгиланган.

2020 йилда Жанубий Корея ва Хитойнинг айрим вилоятларида экиладиган “Evodiya” дароах турларини олиб келдим. Бир томонда пандемия, бошқа томонда ўсимлик уруғларининг қимматлиги ва олиб келиш муаммолари сабаб жараён осон бўлмади. Корхонамизнинг илмий дала тажриба майдонига уруғларни қадаб, ўзимизнинг шароитда ўстиридик ва кўчат униб чиқди. Сўнг бир йиллик кўчатдан намуна олиб, шартнома асосида “in-vitro” лабораториясида кўчат тайёрладик. Лабораториядан чиққач, кўчатларини биринчи йили иссиқхонада, кейин очик майдонга экидик. 2024 йил июнь ойининг иккинчи ярмидан бошлаб эса дароах гулга кирди ва 2025 йилда янада кўпроқ гуллади.

Кўчатларни очик майдонларда экиш учун юртимизнинг турли вилоятларидаги мутахассисларга тарқатдик. Тажрибалардан сўнг ушбу янги дароах турини барча ҳудудларимизда ўстириш мумкинлигига амин бўлдик. Жорий йил бошда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг нав-синов маркази хўжалари асосида янги тур “Асалари дароахти” номи билан давлат реестрига киритилди. Бу “Evodiya” дароахтининг инглиз тилидан таржима қилинган номи. Немислар уни “хушбўй олмос” деб ҳам атайдик.

### Сувсизликка чидамли ўсимлик

Ўсимликларнинг энг катта хусусияти, албатта, ўзидан кўп миқдорда кислород чиқариши билан боғлиқ. Бугун атмосфера ҳавоси тобора ифлосланиб бораётган шароитда одамлар нафақат табиатни асраб қолиш, балки уни қайта тиклаб, яшил ҳудудларни кўпайтиришга интилаётгани босиб шунда. Олимлар эса бу ўсимликларнинг нафақат экологик, балки бошқа жиҳатлардан ҳам фойдали бўлишига эътибор қаратмоқда.

Масалан, асаларилар учун йил давомида озуқа базасини яратишни олайлик. Бу жиҳатга юртимизда алоҳида эътибор қаратилади. Мутахассислар ўсимликларнинг гуллаш тарзига қараб, ойма-ой ўстириш бўйича тавсиялар беради. Март ойидан юртимизда мевали дароахлар гуллаб бошлайди, апрелга келганда эспарсет ўсимлиги гулга кирди, асаларилар ундан озуқа олади. Ундан кейин липа дароахти гулларидан нектар-шира йиғиш мумкин. Энди бу кетма-кетлики “асалари дароахти” давом этиради. “Evodiya” июнь ойи урғуларида гулга кириб, бир ой давомида гуллаб туради.

Маълумотларга кўра, дароах шу қадар кўп гул берадики, ширага бой бу гуллар атрофида асалари аримайди. Тез ўсади ва бўйи 8-15 метрга етади. Майда, оқ, хушбўй ҳамда тўпгуллари ниҳоятда чиroyли манзара ҳосил қилади, ўзидан кўп миқдорда кислород чиқаради. Европанинг қатор давлатларида асаларилар учун қимматли кечки озуқа манбаи сифатида ўстирилади. Дароах турига қараб, у июндан октябрга ойингача гуллаб, бир ой давомида кўп асалариларни ўзига жалб қилади. Гулдасида бир вақтнинг ўзиде йиғирматангача асалари ишлаш олади. Тиним билмас ҳашаротлар ушбу ўсимлик гулларида липа дароахтига қараганда ўн баробар кўпроқ асал йиғида. Бундан ташқари, кунига тахминан уч килограммгача гулчанг тўплаши мумкин.

— “Асалари дароахти” ёруғлики севгани бос, жуда тез ўсиш хусусиятига эга. Бу янги иқлим шароитимизга мос тушади, — дейди Анвар Ибрагимов. — Юртимизда “Evodiya” дароахти майдонларини кўпайтириш бевосита асаларичилик тармоғини янада ривожлантиришга таъсир этади. Масалан, бизда асалга бой дароах сифатида липа оммалашгани бос, у билан кўпроқ солиштирамиз ва ўн гектар липа дароахти майдонидан олинадиган асални бир гектар эводи дароахти майдонидан олиш мумкинлигининг ўзиде ноёб ўсимликнинг қийимлиги кўрсатади. Афуски, шу вақтгача юртимизда бу дароах устида дегирли тадқиқотлар қилинмаган. Шунга қарамай, бугунгача ўрганилган ишлар хўжалари анча ижобий.

Янги “асалари дароахти”ни ўстириш ва парвариллаш мураккаб эмас. Асосийси, сувсизликка чидамли ва тупроқ танламайди. Ўстириш давомида кўп сув талаб қилмайди, дастлабки йиллари меърида намлик таъминланса кифо. Тажрибада ортиқча сугориш айрим кўчатларни ноубуд қилди. Дароах учун ўзига яраша намлик бўлса етарли. Бу ҳозирги кўроқчилик ва бошқа экологик муаммолар шароитида жуда мақбул хусусият. Қолаверса, катта майдонларда “Evodiya” дароахтининг ўстириш ердан унумли фойдаланишга хизмат қилади. Чунки дароах вояга еттунга қадар қўчати тағига нектар берадиган ва асалари учун озуқа бўладиган турли ўсимликларни ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мумкин. Бу қўшимча даромад келтиради.

“Асалари дароахти” унумсиз, кам тупроқли ерларда ҳам ўсаверади ва 4-5 йилда гуллайди. Тўпгуллари катта дасталарда тўпланади ва уларга асаларилар кўниб, асал йиғишни бошлайди. Дароах мева ҳам беради. Манбаларда меваси жуда майда бўлиб, қушлар учун озуқа бўлиши ёзилган. Юртимизда турли қушларни кўпайтирадиган тадбиркорларимиз бундан фойдаланиши мумкин, табиатдаги қушлар учун ҳам яхши озуқа бўлади.

### Танаси ҳам шифобахш

Анвар ақанинг асли касби дориршнос бўлгани бос, ўсимликларни айни шифобахш хусусиятларига кўра ўрганади. Бугунга қадар 6-7 хил ўсимликни юртимиз шароитига мослаштиришга эришди. Уларнинг кўпи ўрмон хўжалиги ерларида етиштирилади. Шифобахш ўсимликлардан дори тайёрлайди. Уларнинг асосий таркибиде асал маҳсулоти бўлгани сабабли асаларичиликни ҳам йўлга қўйган. Асалари оилаларини боқиб баробарида уларга озуқа бўладиган ўсимликларни ўрганиш ишларини олиб боради. Янги навларни тажриба майдонларида синаб кўради. “Асалари дароахти” унинг ана шу изланишлари маҳсули.

Аслида, асалани севиб истеъмол қилмайдиган киши топиламанс керак. Табиий шифобахш маҳсулотни доимий истеъмол қилиш тананга қувват бериб, кўпга дардларга шифо бўлиши ҳақида катталардан доим эшитамиз. Айниқса, баҳор мавсумида кузатиладиган ҳозиллик, ланжликда дарҳол асал ялаб юборишни тавсия қилинади. Бу бежиз эмас. Асал халқ табиотида ҳам, замонавий табиётда ҳам кенг қўлланиладиган шифобахш маҳсулот саналади.

Манбаларда ёзилишича, асал ташувчилар сайёрамизда ибтидоий одамлардан ана йиллар аввал пайдо бўлган. Одамзод ақлини танитганидан буён асални арилар ин қўрган дароах коваларидан олган. Демак, асаларичилик ҳам анча қадимий соҳа. Энг қадимги манбаларда турли касалликларни асал билан даволаш ҳақида қайдлар учрайди. Ҳатто қадимда уни “озуқ умр кўриш малҳами”, “хаёт шарбати” деб аташган. Табиёт илмининг отаси, буюк ҳақим Абу Али Ибн Сино асалнинг кўпга хусусиятларини келтириб, турли касалликларга даво экани ҳақида ёзади. Асалари маҳсулотларидан Ибн Сино 500, Абу Райҳон Беруни 300 турдан ортиқ дори-дармон тайёрлагани ҳақида маълумотлар учрайди.

Замонавий табиётда асалнинг қийимати баланд. Янги бу маҳсулотнинг фойдага бойлиги, шифо экани аён. Аммо биз истеъмол қиладиган озгина миқдордаги асални тўплаш учун қанча асалари оиласи меҳнат қилиши, ўнлаб, юзлаб гулга қўнишни кўпчилик тасаввур қила олмайд. Маълумотларга кўра, асалари бир килограмм асал тўплаш учун ундан 120-150 минг марта учиб чиқши, минглаб қақирим масофани босиб ўтиши керак. Улар асал тўплаши учун кўпроқ озуқа манбаси, яъни ўсимлик гуллари керак.

“Асалари дароахти” айни ё ойларида асаларилар учун керакли озукани бера олади. Ахамиятликки, бу дароахтининг ўн хил шифобахш хусусиятга эга. Гулдан ташқари танаси ва баргларидан даволаш мақсадларида фойдаланиш мумкинлиги ёзилган. Дароах ўзиде юкори миқдорда эфир мойлари ва биологик фаол моддалар сақлагани бос, табиётда турли касалликларга малҳам сифатида қўлланилади.

— “Evodiya” дароахтидан, бир томондан, манзарали ўсимлик сифатида юртимизда яшил маконларни яратишда, бошқа томондан, асал олиб, доривор ўсимликлар тайёрлашда кенг фойдаланиш мумкин, — дейди Анвар Ибрагимов. — Айни пайтда “асалари дароахти”нинг доривор хусусиятларини ўрганиш устида ишлаяпмиз. Фармацевтика агентлиги билан асал маҳсулотларидан дори-дармон тайёрлаш бўйича ишларимиз давом этипти. Қолаверса, ўтган йили давлатимиз раҳбари Европа мамлакатларига сафарлари давомида Словениядаги компаниялар билан ҳамкорликда юртимизда асалари маҳсулотларидан дори ишлаб чиқариш бўйича келишувлар тузилган. Шу бос, ҳозирги вақтда корхонамиз томондан Словения ва Озарбайжондаги соҳа мутахассислари билан ушбу йўналишда музокаралар олиб боришмоқда.

Шундай қилиб, жорий баҳор мавсумида юртимизда илк бор янги тур — “асалари дароахти” кўчатларини экиш бошланади. Ёз ойларида уларнинг илк гуллари кўришимиз ҳеч гап эмас. Таърифланганидек, дароах гуллари жуда гўзал ва хушбўй, нафақат асалари оилалари учун шира манбаи, балки одамларга эстетик завқ улашадиган манзарали ўсимлик. У атроф-муҳит мусафоллигини таъминловчи дароах сифатида ҳам кенг оммалашши шубҳасиз.

**Ирода ТОШМАТОВА,**  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

## Камбағалликдан фаровонлик сари

Баҳор фасли Кува туманида ўзгача тароват билан бошланади. Кетмон елкалаган бободехқон янги ҳосил тараддуғига киришган. Йўл бўйида гул, мевали ва манзарали дароах кўчатлари савдоси авжида. Бу ердаги деярли ҳар бир хонадон, маҳаллада сархил дароах кўчатлари етиштириш борасида ўзига хос тажриба оммалашган. Энди анор, олма, беҳи, гилос, ўрик билан бирга лимон, банан, мандарин, апельсин, киви сингари мевали ва манзарали дароахлар кўчатини ҳам етиштириш бўйича саъй-ҳаракатлар кенг қулоқ ёймоқда.



# КўЧАТ ЕТИШТИРИБ БОЙ БЎЛАЁТГАНЛАР



Шераф Қорабоев оқсан суратлар.

Хусусан, тумандаги “Қорақум” маҳалла фуқаролар йиғинида ибратли ишлар кузатишмоқда. Худуддаги 1138 хонадонда 5800 киши истиқомат қилади. Маҳаллани ривожлантиришнинг асосий драйвери — томорқада гул, мевали ва манзарали кўчалар етиштириш. Йўл чети, хонадонлар олдида тартиб билан экилган турфа мевали ва манзарали кўчатлар эътиборни тортиди. Ҳар бир туп ниҳолни экиш ва парвариллаш бўйича ўзаро тажриба ва тавсиялар алмашиш анъанаси айланган.

Шокиржон Валиев томорқада кўчат етиштириш, парвариллаш ҳадисини олганлардан. У томорқадаги ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш, янги кўчат навлари, турларини етиштиришга ҳаракат қилади.

— Ун беш сотих ерда кўчат етиштирамиз, — дейди миришкор. — Бу йилги баҳор мавсумига 25 минг тупдан ортиқ атиргул кўчати тайёрладик. Бу қарийб 50 миллион сўм даромад дегани. Бундан ташқари, арча, наъматак, хурмо кўчатларини етказиб берамиз. Меҳнат қилиб, кам бўлаётганимиз йўқ. Маҳалламиздаги ҳамма хонадон обод. Топаётган даромадимиз турмушимизнинг янада фаровон бўлишини таъминлайпти. Бугун деҳқончилик билан астойдил шугулланиш учун ҳамма шароит бор. Авваллари кўчатларни бозорга ўзимиз олиб бориб сотардик. Энди эса харидорлар томорқамиздан, дала бошидан улгурчи олиб кетаяпти.

Сархил ниҳол етиштириб даромад топаётган қорақумликлар бандлиги таъминланиб, рўзгорига кут-баракат кирмоқда. Ҳозир ишсиз, меҳнат мигрантларидан қайтган 37 нафар ёш “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида кўчат етиштиряпти. Миродил Ҳошимов ана шундай ишсиз ёшлардан эди. Бугун фойдали меҳнат билан банд. Болалиқдан меҳнатда тобланган йилит 30 сотих ерда турфа гуллар, мевали ва манзарали дароахлар кўчатини етиштириш билан шугулланыпти. Жорий мавсумда 20 минг туп атиргул, 30 минг тупдан ортиқ манзарали дароах ниҳолини етиштирди.

— Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, мавсумда юз миллион сўмдан ортиқ даромад олишни кўзлаб туримиз, — дейди тоғобон. — Ҳар бир соҳа меҳнат, эътибор билан қилади, албатта. Айниқса, гул, мевали ва манзарали дароахлар кўчатини етиштириш — катта масъулият. Озгина эътиборсизлик, лоқайдлик туфайли йил бўйи ҳосил ва даромаддан қуруқ қолишимиз мумкин. Ниҳолларни ўз вақтида ўғитлаш, сугориш, бегона ўтлардан тозалаш, тупроқ унумдорлигини ошириш муҳим

аҳамиятга эга. Шу мақсадда экиндан бўшаган майдонларни пешма-пеш шудгорлаб, маҳаллий ўғит билан тўйинтириш, сабозов етиштирамиз. Бу алмашлаб экиш, гектарлар ҳосилдорлигини ошириш билан бирга қўшимча даромад олиш имкониятини берапти.

Айтишларича, гул кўчатини етиштириш нозик, машаққатли, лекин сердаромад иш. Ҳар бир кўчатга турлича ишлов берилади, парварилланади. Бу ишни яхши билимаган киши кўзланган натижага эриша олмайд. Шу бос, соҳанинг ўзига хос, нозик жиҳатларини пухта ўзлаштириш жуда муҳим. Бунда тажрибали томорқачилар, боғбонларнинг иш тажрибаси кўл келмоқда. Маҳаллада етиштирилган кўчатлар нафақат водий вилоятлари, балки мамлакатининг бошқа туман ва шаҳарлари, шунингдек, қўшни Қозғистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон ҳамда Россия ва Европа бозорларига экспорт қилинмоқда.

— Маҳалламизда гулчилик ва кўчатчиликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш орқали оилалар даромадини оширишга алоҳида эътибор қаратилади, —

дейди “Қорақум” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гавҳарой Ҳошимова. — Худудимизда ишлаб чиқариш корхоналари йўқ. Лекин томорқадан фойдаланишда ўзига хос тажриба тўпланган. Маҳалланинг ўсиш нуқтаси кўчатчилик, ҳар бир хонадонда ниҳол етиштирилади. “Яшил макон” умумийлик лойиҳасининг баҳор ва куз мавсумида бу ерда ҳар йили 3 миллион тупдан ортиқ мевали ва манзарали, 1 миллион туп атиргул кўчати етказиб бериляпти. Бу йўналишда “Қорақум кўчатлари” кооперацияси ташкил этилган. У талаб ва эҳтиёжга қараб сара кўчатларни етказиб бериш, кўпайтириш, сотиш жараёнида аҳолига яқиндан ёрдамлашмоқда.

Замонавий хонадон, кўча ва маҳалларда бўлган киши бу қадр ўзгариб, ўзига хос меъморий ечим касб этган эски қишлоқнинг янги кўринишига ҳайрат ва ҳавас билан боқади. Тор, ўнқир-чўнқир кўчаларга шағал ётқизирилиб, асфальтланди, электр, тоза ичимлик ва оқова сув тармоқлари тортилди. Пасткам, паҳса деворли уйлари янгилаш, санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш ишлари кенг қулоқ эди. Иккита қудуқ қазилиб, хонадонлар тоза ичимлик сув билан таъминланди. Маҳалла фуқаролар йиғини биноси тўлиқ қайта реконструкция қилинди, керакли

шарт-шароит яратилди. Қишлоқ оилавий поликлиникаси филиали учун замонавий бино қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Оилавий тадбиркорлик, боғдорчилик ва хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, фаровонлигини ошириш бугуннинг муҳим ишларидан, — дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Аҳмадҷон Қўчқоров. — Ўтган йили бу йўналишларни қамраб олган 42 та истиқболли лойиҳа учун умумий қиймати 1 миллиард 200 миллион сўмлик кредит ажратилиб, юздан ортиқ янги иш ўрни очилди. Жорий йилда эса санавот, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда қайта ишлаш йўналишларида 10 та йирик тадбиркорлик лойиҳасини ишга тушириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида таклифлар ишлаб чиқилди. Бу ҳудудларни янада обод қилиш, аҳолининг кундалик ҳаёт тарзи учун муносиб шарт-шароит яратиш имконини беради.

Қорақум маҳалласидаги қайси хонадонга кирманг, турфа, бир-бирдан гўзал гул ва манзарали дароах кўчатларини кўриб баҳри дилнинг очилиди, уста деҳқонлар меҳнати ва изланишларига тасанно айтасан.

**Расулжон КАМОЛОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

www.yuz.uz yuz.uznews yuz\_official yuz.uz\_news yuz.uz\_news

Муносабат

# ИННОВАЦИОН ПАЪЛИМ, СТАРТАПЛАР ВА ГЛОБАЛ ТАЖРИБА

## Ёшларни жаҳон майдонига тайёрлаш жараёни қандай кечмоқда?

Илм-маърифатга интилиш халқимиз табиятига хос энг юксак фазилатлардан биридир. Асрлар давомида бу замин дунёга буюк алломалар, давлат арбоблари ва маърифатпарварларни етиштириб, илмни тараққийнинг бош омили сифатида улуғлаб келган. Ота-боболаримиз илмни нафақат шахсий камолот, балки давлатчиликни мустаҳкамлаш воситаси сифатида ҳам қадрлаган. Бугун ҳар бир давлатнинг куч-қудрати, аввало, интеллектуал салоҳияти билан белгиланади. Ривожланган мамлакатлар таълимни кўрсатишда, таълимга сармоя киритган жамият узок муддатли барқарор ўсишга эришади.

Шу билан бирга, жиноятчилик, гиёҳвандлик, радикал ғоялар ва киберхавфларга қарши курашишда таълим энг самарали восита сифатида намоён бўлмоқда. Билимли, касб-хунарли ёшлар радикал ғоялар, гиёҳвандлик ёки "осон пул топиш" илмидаги хавфли йўللарга қарқиб беришди, чунки билим уларга танқидий тафаккур ва онли қарор қабул қилиш имконини беради.

Жорий йилнинг 24 февраль куни Президентимизнинг ёшлар билан ўтказган кенг қамровли мулоқоти ҳам айнан ушбу ғоянинг амалий ифодаси бўлди. Унда ёшларнинг хорижий тилларни ўрганиши, замонавий касб-хунар эгаллаши, спорт билан шугулланиши, ўз стартап ва инновацион лойиҳаларини рўйбга чиқариши учун барча раҳбарлар шахсан масъул экани қатъий таъкидланди. Эндиликда таълим муассасалари фаолияти ёшларнинг реал ҳаётга эҳтиёжлари — меҳнат бозорига рақобатбардорлик, инновацион фикрлаш ва

оширилди. Хорижий тил сертификатини олган ёшларга имтиҳон ва ўқиш харажатларини қоплаш йўлга қўйилгани натижасида сертификатга эга йигит-қизлар сони 600 мингдан ошди. Шу билан бирга, хорижий тилларни мукамал биладиган 72 минг инструктор тайёрланди. Хусусий ўқув марказлари биносини ижарага берган тадбиркорлар ижарадан олинмаган даромад ва фойда солигидан озод қилиниши марказларнинг янада фаол ишлашига катта туртки бўлди. Ушбу марказларнинг ўқитувчилари илгор халқаро таълим марказларида стажировкага юборилиб, профессионал салоҳияти янада оширилмоқда. "Кумак" дастури доирасида олис ва чекка ҳудудларда хорижий тил ўртадагилар 120 дан зиёд янги ўқув маркази очилди. Ушбу марказлар учун 130 миллион сўмгача фонизс ссуда ажратилган бўлиб, бу ёш тадбиркорларнинг бизнесини ривожлантириши ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.



иқтисодий мустақиллик мезонлари асосида баҳоланади.

Президентимиз қайд этганидек, ёшлар томонидан яратилган 63 та стартап лойиҳанинг ривожланган давлатлар бозорига кириб боргани таълимнинг амалий натижа бераётганини кўрсатади. Бугун ёшларимиз дунёнинг энг нуфузли олийгоҳларида тахсил олмоқда. Жумладан, Гарвард, Йель, Корнелл каби етакчи таълим масканларида ўқитган ёшларимиз сони 500 нафардан ошди. Дунёнинг энг яхши мингталикдаги олийгоҳларида тахсил олаётган йигит-қизларимиз эса 3,5 мингдан зиёд ташкил этмоқда. Бу кўрсаткичлар Ўзбекистон ёшлари глобал таълим майдонига муносиб ўрин эгаллаётганидан далолат беради. Президентимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг ёшлар тараққийни глобал индексда энг тез суръатларда ривожлантирган давлат деб эътироф этилиши барчамизга гурур бағишлайди. Бу эътироф ёшлар сиёсати илчил ва тизимли равишда амалга оширилаётганининг халқаро миқёсдаги тасдиғидир.

Сўнгги йилларда ёшларни хорижий тилларни мукамал эгаллашга рағбатлантириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга

Жорий йилда Тошкент шаҳрида Жаҳон ёшларнинг тинчлик сари ҳаракати бош қароргоҳини ташкил этиш режалаштирилгани, Самарқанд шаҳрининг Ёшлар парламенти аъзоларининг 12-глобал конференцияси, "Take Off" халқаро стартап саммити ҳамда 46-жаҳон шахмат олимпиадасига мезонлик қилиши Ўзбекистон ёшларининг халқаро майдондаги нуфузи ортиб бораётганидан далолат беради. Бу тадбирлар нафақат мамлакатимиз обрўсини юксалтиради, балки ёшлар учун глобал таълим ва ҳамкорлик эшикларини ҳам очади.

Президентимиз томонидан ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшимча 200 миллион доллар ажратилишининг эълон қилиниши қисқа муддатли ташаббус эмас, балки узок истиқболга мўлжалланган стратегик сиёсатнинг амалий ифодасидир. Мазкур маблағ юз минглаб ёшларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш, норасмий бандликни камайтириш ҳамда янги иш ўринлари борасида мустаҳкам молиявий замин яратади. Ўзини ўзи банд қилган ёшлар учун кредит миқдорининг 100 миллион сўмдан 300 миллион сўмгача оширилиши уларнинг кичик ташаббуслардан барқарор бизнес босқичига ўтишини

рағбатлантиради. Шунингдек, ҳар йили "Ёш тадбиркорлар" танлови ўтказилиб, энг яхши 100 та лойиҳани брендга айлантириш мақсадида "Ёшлар венчур" жамғармасидан 1 миллиард сўмгача маблағ ажратилади. Бу механизм ёшлар ташаббусини рағбатлантириш, инновацион лойиҳаларни ривожлантириш ва иқтисодий жиҳатдан мустақил кадрлар тайёрлашга хизмат қилади. Банклар томонидан ташкил этилган консалтинг компаниялар орқали жорий йилда 50 минг ёш тадбиркорга бизнес режа тайёрлашда ёрдам берилиб, уларнинг харажатлари қопланади. Йирик савдо тармоқлари вақиллари ва малакали мутахассислар жалб қилиниб, камидан 20 минг ёш тадбиркорликка ўқитилади, бу эса амалий таълимга ортириш ва бозорда рақобатбардор маҳсулот яратишга имкон беради.



### Қарор ва ижро

# БИЛИМЛАР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШНИНГ ТАРИХИЙ ДАСТУРИ

Ўзбекистонда интеллектуал салоҳият моддий бойликка, илмий кашфиёт иқтисодий қудратга айланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 11 февралдаги "Стартапларни қўллаб-қувватлашнинг комплекс экотизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эса бу борадаги ишларни янада жадаллаштириб, янги босқичга кўтаради.



Фазлиддин МҶМИНОВ, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги бўлим бошлиғи

Қайд этганимиздек, бугун мамлакатимизда стартаплар аниқ иқтисодий натижалар бераётган соҳага айланди. Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан молиялаштирилган лойиҳалар натижасида 563 та инновацион корхона ташкил этилиб, 3 мингта яқин янги иш ўрни яратилгани бунинг яққол ифодаси. Айтилган "Tass vision" корхонасининг "Ақли камералар" лойиҳаси халқаро миқёсда 10 миллион доллар миқдоридан баҳолалиб, 1,5 миллион доллар инвестиция жалб қила олди. "Interpromix" МЧЖ бир йилда 31,2 миллиард сўмлик кичик ишламалар сотиб, давлат бюджетига 2,1 миллиард сўм солиқ тўлади. "Pasta bello" корхонаси эса халқаро етиштириш лойиҳаси учун 300 минг доллар хорижий сармоя олиб келди.

Ушбу мисоллар мамлакатимизда 2030 йилгача стартапнинг сони 5 мингтага етказиши ва 2 миллиард доллар венчур инвестиция жалб қилиш каби амбициоз мақсадлар мустаҳкам пойдеворга эга эканини кўрсатади. Бироқ янги қарор қўётган марралар бундан-да юқори.

Инновация бу — янги муҳитдаги янги дунёқараш. Шундан келиб чиқиб, қарорда стартап маданиятини мактаб таълими тизимига чуқур сингдиришга эътибор қаратилган. Яъни 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб жорий этилаётган "Мохирлик ва бизнес соати" тадбирлари энди мактабларни реал ҳаётга қўйишга мақсадга айлантиради. "Энг яхши стартап ғояси" танлови орқали туман даражасида 5 миллион, вилоятда эса 10 миллион сўмлик мукофотлар белгилашни ўқувчи ёшларда ўз ғоясига ишончини шакллантиради. Ҳар йили 200 ўқувчининг

Жорий йилда илк бор ташкил этиладиган ва аънавий тус оладиган "Ёш тадбиркорлар" чемпионати иқтидорли ёшлар учун ҳақиқий "ижтимоий лифт" вазифини ўтайди. 100 та энг яхши лойиҳанинг ҳар бирига 1 миллиард сўмгача инвестиция киритилиши ва голибларнинг давлат мукофотлари тавсия этилиши инновацион тадбиркорликнинг ижтимоий мақомини юксак қўқичга олиб чиқади. Юқоридagi ўзгаришларни таҳлил қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон стартап экотизимини "ғоядан — экспортга" бўлган тўрт босқичли янги тизимга ўтмоқда.

Қувонарлики, Президентимизнинг мазкур қарори соҳани молиялаштириш, қўллаб-қувватлаш ва халқаро бозорга олиб чиқиш борасидаги тўсиқларни ҳуқуқий ва институционал "яшил йўлак" сифатида тўлақонли бартараф этади.

Қарорнинг яна бир муҳим жиҳати — 2026 йил 1 апрелдан бошлаб "Рақамли стартаплар" дастури иштирақчиларига АТ парк резиденти мақоми берилишидир. Эндиликда стартаплардан экспортнинг минимал кўрсаткичлари талаб этилмайди. Бу амалиётга киритилаётган лойиҳалар илк кунлардан солик имтиёзларига ўқувчи ёшларда ўз ғоясига ишончини шакллантиради. Ҳар йили 200 ўқувчининг



инновацион ғояларни тизимли равишда стартапта айлантириш, 100 дан ортиқ лойиҳа ёшлар технопаркларига резидент этиб қабул қилинади. Маркетинглар билан ҳамкорлик йўлга қўйилиши эса ўқувчига ўз меҳнати маҳсулини бозорга чиқариш имконини беради.

Шунингдек, эндиликда олий таълим тизими инновациялар генераторига айланиб боради. 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб амалга оширилаётган "Олийгоҳлар — стартаплар генератори" дастури олий ўқув юрталарининг жамиятдаги ўрнини тубдан ўзгариради. Уларда янги икмониятлар ишга солинади. Давлат ОТМларига ўзларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан талаба ва илмий ходимлар лойиҳаларига 20 минг долларгача инвестиция киритиш ҳуқуқи берилди. Бу университетларни илм ўчоғидан ташқари инновацион ҳаб ва инвестиция марказига айлантиради.

Талабалар акселераторларида жорий этилаётган "стартап менежер" ва "стартап трекер" лавозимлари лойиҳаларни профессионал даражада бошқариш ҳамда бозорга тайёрлаш имконини беради. Бу ерда трекерлар лойиҳанинг ривожланишини кузатиш, менежерлар инвестиция ва бизнес жараёнини мувофиқлаштиради.

Қарор орқали соҳалар бўйича олийгоҳлар ва банкларнинг бириктирилган стартапларга бир қадамда молия ва экспертиза олиш имконини беради. Ушбу тизимни ҳаётга таъбиқ этиш учун 2026-2027 йилларда 160 миллион доллар ва 130 миллиард сўм йўналтирилмоқда. Бунда Жаҳон банкнинг технологиялар соҳасидаги стартаплар учун ажратётган 100 миллион доллар маблағи халқаро таълим ва юқори стандартларни олиб киради.

Давлат стартапларининг энг оғриқли нуқталари — таълим ва патентлаштириш масалаларини ўз зиммасига олмақда. Шунингдек, эндиликда муваффақиятли стартаплар реестрига кирган лойиҳалар давлат харидларида алоҳида имтиёзга эга бўлади. Жумладан, давлат буюртмалари бўйича шартномаларда олинган тўлов миқдори 30 фоиздан 50 фоизгача этиб белгиленди. Бу стартаплар учун айланма маблағ муаммосини ҳал қилишда муҳим қадамдир.

Энг муҳими, Ўзбекистон стартапларининг дунё бозорига чиқишини рағбатлантириш учун мисли кўрилмаган энгиллик берилади. Реестрда кирган стартаплар хорижда филиал очиб ёки устав фондини шакллантириш учун алоҳида қарорларсиз йилга 500 минг долларгача маблағни хорижий ҳисоб рақамларига ўтказиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Қарор ижроси Ўзбекистонда "стартап маданияти" ни янги босқичга олиб чиқади. Қўтилганидек, "Стартап экспо" кўргазмалари ва ҳудудлардаги "Стартап клуби" орқали ҳоҳимлар ва йирик тадбиркорлар бевоқиф ёш инноваторлар билан мулоқотга киришадилар. Бу эса яқин йилларда Ўзбекистондан халқаро миқёсдаги ёш "юнкор" (қиймати 1 миллиард доллардан ошган) компаниялар чиқиши учун энг катта имтиёзлар. Демак, ушбу қарор ёшларга катта ишонч билан янгида янги икмониятлар тақдим этмоқда.

У мамлакатимиз иқтисодийнинг хошаёта қарамликдан ҳалос қилиб, юқори технологияли креатив иқтисодиётга ўтишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бугун тиклаётган интеллектуал сармоя эртанги қудратли ва раванқ топан Ўзбекистоннинг кучидир. Илм ва тадбиркорликнинг ушбу уйғултириш мамлакатимизни дунёнинг инновацион харитасида муносиб ўринга олиб чиқиши шубҳасиз.



Баҳром АБДУЛЛАЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси

Шу маънода, Ўзбекистонда сўнгги йилларда таълим тизимининг барча бўғинларини қамраб олган кенг қўламли ислохотлар кечмоқда. Мактабга таълим қамрови кенгайтириб, янги замонавий мактаблар барпо этилиди, нодавлат таълим муассасалари сони ошди. Олий таълимга қабул квоталари бир неча баробар кўпайтирилгани ёшлар учун янги икмониятлар эшигини очди. Шу боис, Президентимиз таълим ва тарбия масаласини ҳаёт-мамот даражасидаги устувор вази-фа сифатида қайд этиб келмоқда. Хусусан, Олий Мажлис ва халқимизга йўлланган Мурожаатномада ҳам касбларни ривожлантириш, янги меҳнат бозори архитектура-сини яратиш, сунъий интеллект ва юксик тадқиқотларни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. 2028 йилда Самарқанд шаҳрида Халқаро астронавтика конгрессини ўтказиш режалаштирилаётгани, шунингдек, мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор миллий космонавтика фазога учуриш бўйича ишлар бошлангани мамлакатимиз илмий салоҳияти янги босқичга кўтарилаётганидан далолатдир.

Сўнгги йиллардаги натижалар бу эътиборнинг самарадорлигини кўрсатмоқда. 2025 йилда ўзбекистонлик ўқувчилар 29 та халқаро олимпиадада иштирок этиб, жами 210 та медални қўлга киритди, шундан 26 таси энг нуфузли фан олимпиадаларига тўғри келади. Голиб ўқувчилар ва уларнинг устозларини рағбатлантириш ҳамки ҳам сезиларли ошди: 2019 йилдаги 780 миллион сўм ўрнига жорий йилда 12 миллиард 424 миллион сўм ажратилди.

Олий таълим тизимида муҳим силжишлар кузатилмоқда. "QS World University Rankings — 2026" рейтингига Ўзбекистоннинг 7 та олийгоҳи киргани, улардан 5 таси илк бор қайд этилгани муҳим воқеа бўлди. Шунингдек, "Times Higher Education Impact Rankings" рейтингига мамлакатимизнинг 59 та олийгоҳи иштирок этиб, 12 таси энг яхши мингталикдан жўи олди. Бу ҳолат миллий олий таълим тизими халқаро мезонлар асосида тан олинаётганини кўрсатади.

Таълим масаласи давлат ҳавфсизлиги билан ҳам бевоқифа боғлиқ экани таъкидланмоқда. Замонавий шароитда галаба қалити жисмоний куч эмас, балки интеллектуал устунлик, рақамли компетенция ва илмий салоҳиятдир. Ёшларни "Бир миллион дастурчи" ҳамда "Беш миллион сунъий интеллект етакчиси" дастурлари доирасида ўқитиш ташаббуси киберхавфсизлик ва технологик рақобат шароитида стратегик аҳамият касб этади. Киберхалқимизнинг кенг тарғиб қилиш, ҳарбий қисмларни бадийи адабиётлар билан таъминлаш ҳам маънавий баркамолликни оширишга хизмат қилади.



